

САҲИФАЛАРДА:



Дунёдаги энг ноёб тушунча — бу Адолат!

3-с.



Коррупция жамиятни емирувчи вабодир

4-с.



Дабдаба домидаги девоналик

5-с.



7 ойда “70” жойга қилинган мурожаат адлия бўлими томонидан ҳал этилди


6-с.

“ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

МУРОЖААТЛАРДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛАЛАР:

- 747 таси
нотариат соҳасида
- 615 таси
уй-жой бузилиши
- 229 таси
нафақа масалалари
- 189 таси
болалар нафақаси
- 136 таси суд
- 118 таси
меҳнат низолари
- 106 таси
ички ишлар органлари
- 98 таси иш ҳақи
- 92 таси
адвокатлар фаолияти
- 58 таси ер
майdonи ажратиш
- 57 таси
прокуратура органларига

ОИД МУАММОЛИ МАСАЛАЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.



Тут.... Тут...

(Телефон ортидан ўзига ишонган, қатъий
иятли овоз жаранглайди)

— Алло, ассалому алайкум. Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”. 204-оператор эшитди.

1008. Бу тўрт рақам балки кимнингдир ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эмасдир. Аммо Адлия вазирлигига шу йилнинг 9 ойи давомида мурожаат қилган **70 000** га яқин инсонларнинг ҳаётида бу рақамларнинг алоҳида ўрни бор.

Мурожаатларнинг **67 000** дан ортиғига мутахассислар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. **2 445** та мурожаат эса ўрганилмоқда.



8-с.

Давлат ва жамиятни бошқаришда фуқаролар иштирок этсин

БИЗГА маълумки, Адлия вазирлигининг муҳим вазифаларидан бири нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишга кўмаклашидир. Бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини давлатни бошқариш ишларида фаол иштирокини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлигига эришиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан янги қарор имзоланди.

“Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаолиятини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори 2019 йил 4 октябрда қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда асосий эътибор мамлакатни ҳар жиҳатдан — социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш ишлари жадал суратларда кетаётган бир пайтда давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг, шу билан бирга ННТларнинг ролини кучайтиришга қаратилган. Бундан мақсад, биринчи галда жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда аҳоли ва фуқаролик институтларининг аралашувини кўпайтириш ва давлат органларида очиқлигини кучайтириш орқали бошқарув қарорларини қабул қилишни сифатли бошқичга кўтаришдир.

Қарор билан қуйидаги тартиб бўйича Адлия вазирлигининг тақлифи маъқулланди.

Унга кўра, ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари — <https://regulation.gov.uz> порталида жойлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш натижалари Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Вазирлар Маҳкамасига (қўриб чиқиш учун) киритилади.

Бунда, қоида тариқасида, келиб тушган тақлифларни қўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийлиги белгиланди.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ДАВЛАТ БОЖИ СТАВКАЛАРИ ПАСАЙТИРИЛАДИ

МАЗКУР ҲУЖЖАТДА БЕЛГИЛАНИШИЧА, 2020 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ:


республика, вилоятлараро ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилаётган давлат божи ставкалари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан 3 бараваригача, вилоят ННТ учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан 1 бараваригача пасайтирилади.

фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган ННТ давлат рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ставкаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади.

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклидаги маблағлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджети, шунингдек, туман ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларига қўшилади.

ННТлар тўғрисида янги кодекс

Қарорда 2020 йил 1 февралга қадар Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозимлиги белгиланди. Бундай кодекснинг асосий вазифаси илгор хорижий тажриба ва миллий ҳуқуқ асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни кодлаштириш ва тизимлаштиришдан иборат бўлади. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан тўлов асосида ННТлар раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилади.



Ушбу Қарор билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунини қайта қўриб чиқадиган бўлди. Бунга зарурат шуки, халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шаклларини ўрганиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тадқиқ қилиш ва уларнинг янада фаолроқ ишлаши

учун самарали механизмларни кўрсатиш муҳимдир.

Президент Қароридан яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Унда белгиланишича, республика миқдорида барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мажбурий тартибда веб-сайтлари яратилади. Бу давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, улар фаолиятининг шаффофлиги, маълум

масалалар бўйича жамоатчилик вакилларининг муҳокамасини ташкил этиш учун жуда зарур бўлади. Мазкур веб-сайтларнинг мавжудлиги ва фаолияти инвентаризациядан ўтказилади. Эндиликда, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган асосий талабларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бу бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Давлат хизматига қабул очик мустақил танлов асосида

2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентимиз Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон орқали ходимларни давлат органлари ва ташкилотларига давлат хизматига қабул қилиш, бошқариш ёки ишдан бўшатиш тартиби белгиланди.

Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба тариқасида айрим давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва ҳудудларда, 2021 йил 1 январдан бошлаб эса республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматига қабул очик мустақил танлов



асосида амалга оширилади.

Эндиликда, давлат фуқаролик хизматига ишга қабул қилиш ва хизматчиларнинг хизмат бўйича ўсиб бориши билан боғлиқ фаолиятда номзодларни адолатли баҳолаб бориш ва улар орасидан энг муносибларини танлашга қаратилган меритократия тамойили қўлланилади.

Шунингдек, Фармонга асосан давлат фуқаролик хизмати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг ягона тизими жорий этилади.

Фармон билан Президент ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги ташкил этилди. Президентнинг давлат хизмати ва вакиллик органлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бир пайтнинг ўзида Агентлик директори ҳисобланади.

Шу билан бирга, ушбу Агентлик ҳузурида Давлат хизматини ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА БЎШАТИШ АГЕНТЛИК РОЗИЛИГИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Фармонда белгиланишича, очик мустақил танлов асосида давлат хизматига ишга қабул қилинган шахслар тегишли равишда давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги ва унинг филиалларининг розилигисиз ишдан бўшатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат хизматини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларига иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг ташкилий тузилмасидаги ўзгаришлар мажбурий равишда агентлик билан келишиб олиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат хизмати бўйича маслаҳатчиси ва вакиллик органлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида амалга оширилади.

Фармонга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларини услубий жиҳатдан бошқариш ва йўналтириш, давлат органлари ташкилотларини кадрлар бўлиналари раҳбарларини тайинлаш ва уларни лавозимидан озод қилиш Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, ҳар 3 йилда агентлик уларни аттестациядан ўтказилади.

Мадҳия АБАЗОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ДУНЁДАГИ ЭНГ НОЁБ ТУШУНЧА — БУ АДОЛАТ!


СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ
СУДЬЯ ВА СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТ КИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Судьялар олий кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоев мамлакатимиз судьялари ва суд тизими ходимларига соҳада коррупцияга қарши курашиш борасида Муурожаат билан чиқди.

Видеоконференцалоқа орқали қилинган ушбу Муурожаатни ҳудудлардаги барча вилоят, туман ва шаҳар судлари раислари ҳамда судьялари, суд тизими ходимлари, жойлардаги жамоатчилик асосида ташкил этилган Судьялар олий кенгашига қўмақлашувчи комиссиялар аъзолари ҳамда суд фахрийлари тинглаб, Муурожаат якунида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раҳбариятининг таклифи ва ташаббусига асосан, мазкур Муурожаат китоб шаклида нашр қилиниб, ҳар бир судьяга ва тизимдаги ходимларга қўлланма сифатида тарқатилишига келишиб олинди.

Қуйида ушбу Муурожаат матнини тўлалигича эътиборингизга ҳавола этамиз.



КАСБИЙ МАСЪУЛИЯТИМИЗ МЕЗОНЛАРИ

СЎНГИ йилларда шиддатли тус олган кенг қўламли ислохотлар натижасида халқимиз ҳаётида жуда кўплай ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Барча соҳалар бўйича халқ манфаати йўлида тизимли равишда кўплай амалий ишлар олиб борилаётгани, айниқса, ижтимоий ҳаётимизда ўзининг ифодасини ақол кўрсатиб турибди. Бир сўз билан айтганда, бугун жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётининг янги босқичи шахдам қадамлар билан олға кетмоқда.

Мамлакатимиздаги улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб туриб, мана шундай ниҳоятда масъулиятли даврда Сизларга, яъни судья ва суд тизими ходимларига муурожаат қилишни мақсадга мувофиқ, деб билдим.

Хурматли ҳамкасблар!

Аввало, 2017 йил 13 июнь куни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган тарихий учрашув ва очиқ мулоқотда кўрсатиб ўтилган камчиликларимиз, шу билан бирга, машаққатли ва шарафли ишимизга муваффақиятлар тилаб, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ва ҳақиқатни рўбга чиқарадиган судьяларга, яъни Сиз аъзоларга қарата "Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт" деган, жуда чуқур маънога эга бўлган ҳаётий шиорни бежиз айтмаганликларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса хотин-қизлар, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар, одам савдосига ва мамлакатимиз тараққиётига тўсиқ бўлиб турган энг хавфли иллат бўлиши — коррупцияга қарши курашиш масаласи давлат сийосати даражасига кўтарилиб, ҳар бир раҳбарнинг кунлик эътиборида бўлиши қатъий ўқтириб ўтилганлигидан ҳам хабардорсиз.

Шу маънода мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишнинг муваффақияти, биринчи навбатда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасига бевосита боғлиқ эканлигини ҳар биримиз чуқур масъулият билан идрок этишимиз лозим.

Ўрни келганда аччиқ бўлса ҳам айтиш кераки, ҳаммамиз бирдек давлат ва жамият тараққиётига дахлдор бўлган шарафли ишимизга масъулият билан ёндашаётганимиз йўқ. Шу боис касб фаолиятимизда баъзи бир камчиликлар учраб турибди. Биргина мисол тариқасида келтириш мумкин, ҳанузгача судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари ўқиб эшиттирилганидан сўнг, унинг мазмун-моҳияти суд процесси иштирокчиларига батафсил тушунтирилишини тўла таъминлаш амалиётини шакллантириганимизча йўқ.

Энди айрим рақамларни келтирмоқчиман. 2019 йилнинг шу кунига қадар 95 нафар судьяга нисбатан интизоимий иш кўзатирилган, 12 нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун мuddатидан ол-

дин лавозимидан озод этилган, 4 нафар судьяга нисбатан жиноий иш кўзатирилган ва жиноий жавобгарликка тортишга розилик берилган.

Шу муносабат билан ушбу Муурожаатим орқали судни коррупциядан батамом ҳоли қилишга ва одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деган умидда барча судья ва суд тизими ходимларига қуйидаги фикр-мулоҳазаларимни билдиришмоқчиман.

Биринчидан, судья ва суд тизими ходимлари муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "энди, таъмагирлик қилган судья сиёсатга, мамлакат Президентига ва халқига хиёнат қилган, деб баҳоланади", деган ҳақ гапларини, энг аввало, юраги, онгу шуурига синдиришлари шарт.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизнинг барча инстанциялардаги судьялари ва суд тизими ходимлари ўртасида, умуман, суд тизимида коррупцияга қарши ялпи, муросасиз кураш эълон қилишни таклиф қиламан.

Бунда, аввало, ҳар бир судья ва тизимдаги ходим кундалик хизмат фаолиятда фақат қонун талабларига қатъий риоя қилган ҳолда иш тутиши лозим.

Биласизки, ҳар бир давлат, ҳар қандай жамият қонулар орқали бошқарилади ва тараққиётга эришади. Аслида қонулар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, кўрқитиш ёки таҳликада ушлаш учун эмас, балки уларга ёрдам бериш, ахлоқан тарбиялаш, қонунобузарликларнинг олдини олиш учун яратилишини барча фуқаролар, ким бўлишидан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар қонуларни чуқур англаб етиш ва ҳурмат қилиш, уларга итоат этиш шартлигини тарғибот қилиб бориши лозим. Ҳуқуқий маданияти юксак инсон қонуни бузишдан кўрқадди. Биз қонуларнинг матнини, яъни меъёрларини фақатгина ёдлаб олибгина қолмасдан, уларнинг туб моҳиятини чуқур тушунишимиз ва энг асосийси, ҳар бир ҳолатда қонуни қурол қилиб, уни тўғри қўлай олишимиз даркор. Қадимги рим файласуфи Цицерон "Эркин бўлишни хоҳласанг, қонуннинг қўлига айлан", деб бежизга айтмаган, ахир.

Суднинг коррупциясиз тизимга айланишида Судьялар олий кенгаши томонидан ҳудудларда жамоатчилик асосида ташкил этилган комиссия имкониятларидан умумли фойдаланиш амалий натижа беради, деб ўйлайман.

Жамоатчилик, айниқса, маҳалла аҳли, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, фуқаролар билан бўладиган очиқ мулоқотларда коррупция — порахўрлик иллатининг зарари оқибатларини тушунириб, тарғибот ишларини амалга оширишда тизимли дастурлар қабул қилиб, унда қонуларни ҳурмат қилиш, акс ҳолда жазо муқаррар эканлигини тушунириш лозим.

Иккинчидан, агар жиноятчилик аҳволига чуқурроқ назар ташласак, жиноятни аксарият ҳолларда дунёқарашни паст, маънавияти заиф, маданияти ва маърифатдан узок, ақли бўлса-да, фаросатда нўноқ

шахслар содир этганлигини кўраимиз. Суд соҳасидаги кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтмакки, бу ҳаёт ҳақиқати.

Маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон коррупцияга қўл урмайди. Юксак маънавиятли бўлиш воситаларидан энг мақбули — китобхонлик. Кимки, китобни кўп мутулаа қилса, ҳаёт ҳақиқатларини тегаранглайди. Китобхон виждонига қулоқ тугиб, фақат адолат томонда туради. Ҳаллоллик, поклик унинг ҳаётий шioriга айланади. Асло адолатсизликка қўл урмайди. Шунининотта олиб, бутун суд тизимида ҳар ойнинг бир кунини "КИТОБХОНЛИК КУНИ", деб эълон қилишни лозим, деб ҳисоблайман. Ва барча суд идораларида нафақат ҳуқуқий китоблардан иборат, балки тарихий, бадий китоблардан ташкил топган, ҳар томонлама салмоқли ва бой кутубхоналарни ташкил этиш керак.

Шунингдек, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Яъни, судья ва суд ходимларининг соғлом ҳамда қоним инсон бўлиб етишишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни муҳимдир. Спорт инсоннинг жисмини яйратиши, саломатлигини таъминлаши билан бирга қалбини ҳам поклаши қадимдан маълум. Шу сабабли ходимларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши, турли хил спорт мусобақаларини ташкил этиш суд жамоатчилиги ўртасида ахилликни, жипсликни келтириб чиқариши билан бирга жамоаларда соғлом муҳитни шакллантиради, иш унумининг ошишига имкон беради. Бинобарин, буюк бобокалонимиз Беруний таъкидлаганларидек: "Ҳар қандай эзгу амални қилиш учун, энг аввало, руҳиятимиз тирик, қалбимиз беғубор, пок бўлиши керак". Суд иши ўз табиатида кўра эзгу амал, адолатни қарор топтириш бўлгани учун қалбимиз беғубор, одилликка йўрилган бўлиши лозим. Жисмоний тарбия ва спорт бунинг айна воситасидир, яъни белимизга қувват, қалбимизга соф ҳарорат бахш этади.

Учинчидан, суд тизимида самарали тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тарғибот ва ташвиқот ишларининг бош ғояси судья ва суд ходими, деган юксак номга доғ туширмаслик, уларни ҳар хил ёмонликлардан асраб-авайлашга қаҳириш бўлиши лозим.

Бунда ўз манфаати деб, нафсини жилолвай олмаган айрим шахсларнинг ачинарли аҳволга тушиб, жамиятда шарманда бўлаётганлигини, уларнинг оила аъзолари, айниқса, шириндан-шакар фарзандлари қўни-қўшни ва маҳалла аҳли ўртасида қандай аҳволга тушаётганларидан тизимли равишда судьялар ва суд тизими ходимлари, фуқаролар билан бўладиган учрашуларда хабардор қилиб боришга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш кераки, кейинги пайларда тўй-ҳашамларда айримларимиз ўзимизни бошқаларга кўз-кўз қилиш билан овора бўлаялмиз. Ҳаттоки, баъзиларимиз бошқаларда йўқ қимматбахо мизанларни миниб бориб, кимларнингдир эътиборини тортишга чора бораемиз. Айримлар тўйларга бориб спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, қоникмай, тўйдан чиқиб қайсидир ресторонларда яна ичинини давом эттириш ҳоллари, участка нозирларига бўйсунмасдан жанжал чиқаришларини қандай изоҳлаш керак? Минг афсуски, бу ҳолатлар яхшиликка олиб келмаслиги аниқ...

Судья ва суд ходимлари шайтоний ҳоужавасларга берилмасдан, иймон билан виждонига содиқ ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширсагина тўғри йўлни танлаган бўлади.

Маълумки, қадим-қадимдан қози мартабасига эришган инсон ниҳоятда камтар ва пок ниятли бўлган. Унинг ақлу-салоҳиятидан, юриш-туришидан, кийинишидан, муомала маданиятидан бошқалар ўрнак олган. Шунинг учун қозилар жамиятда энг ҳурматли, юксак мартабали инсон бўлишган. Тарихимиздан бундай мисолларни кўплай келтириб ўтишимиз мумкин.

Тўртинчидан, Судьялар олий кенгаши томонидан ўрганилаётган иш таҳлиллари шуни кўрсатаётки, айрим судьялар ва суд ходимлари томонидан йўл қўйлаётган камчиликлар, меҳнат интизомига риоя қилмаслик, тегишли суд ҳужжатларини ўз вақтида юрмаслик, бепарволиги ва эътиборсизлиги натижасида фуқаролардан келиб тушаётган норозилик аризаларида кўрсатилган хато-камчиликлар асосида уларга нисбатан зудлик билан тегишли чоралар қўрилиши талаб қилинади.

Ҳар қандай камчиликлар ҳақида, ҳат-

токи у энг арзimas бўлиб кўринса-да, суд раҳбарларини ўз вақтида хабардор қилиш ва бунга тезлик билан тегишли чора кўриш тизимини йўлга қўйиш шарт. Бунда суд раҳбарлари мазкур камчиликларни соҳа мутасаддилари ўртасида жиддий мухоама қилишлари ва бошқа ваколатлари доирасида иш тутганлари маъқул.

Судьянинг хатога йўл қўйиши, у қандай мазмунда бўлмасин, адолатсизлик деб баҳоланишига олиб келишини англаб етиш энг муҳим вазифадир.

Судьялар олий кенгаши Сизлардан қонун нормаларига, қасамёдга содиқ бўлишни, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишни талаб қилади.

Бир сўз билан айтганда, суд тизимини мутлақо коррупциясиз соҳага айлантиришга эришиш учун ҳаммамиз барча чора ва имкониятларни ишга солишимиз лозим. Ушбу ўта жиддий ва хавфли иллат масаласида огоҳлантиришни қанда қилмасдан, доимий равишда эслатиш суд раҳбарларининг асосий мажбурияти ва конституциявий бурчи ҳисобланганини унутмайлик.

Ҳаётда жуда кўп бора исботланганидек, адолатли киши, албатта, шон-шарафга эришади. Чунки инсониятнинг энг ноёб тушунчаларидан бири — АДОЛАТДИР. Ўйлаб кўринг, ундан устун турадиган яна нима бор?!

Ҳақиқатан ҳам, адолат — ҳаёт бўлоғи экан. Мен бутун умрим давомида ҳақиқатни гапиршига ҳаракат қилиб келмоқдаман. Аммо, унга кимлар қанчалик ишонганини билмайман, чунки мен ҳеч қачон мажбурлаш маъносига гапирмаганман.!

Бешинчидан, буюк боболаримизнинг адолат, ҳалоллик, поклик ва ҳақиқат ҳақидаги бебаҳо битикларини ҳақ қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бутун умри давомида адолатни ўзининг энг асосий ҳаётий шиори, деб билган бобокалонимиз — Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳам ўз васыятда "Ўғилларим адолат ва эзгулик қилмоқ доимий дастуригингиз, раҳбарингиз бўлсин", дея бежиз айтмаган. Ёки Оқсарой пештоқиға "Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир", деган ҳикматли сўзларни ёздирганида ҳаётий ҳақиқат ифодаланган.

Шеърят султони ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг таъбири билан айтганда: "Инсон ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масалалардан бири бу — адолат, халқнинг миллий ҳаётига эътибор, давлатчилик сийосати, халқ бошқарувининг барчаси адолат заминида бунёд этилади".

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг барча учун ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бебаҳо сатрларидан бирини келтирмоқчиман: "Ҳар кимки вафо қилса, вафо тоғусидур! Ҳар кимки жафо қилса, жафо тоғусидур! Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз, Ҳар кимки ёмон бўлса (нотуғри иш қилса) жазо тоғусидур!". Бу сўзлар барчамизга тааллуқлидир!

Ўрни келганда фуқароларимиз ва касбдошларимиз эътиборини ҳам яна бир масалага жалб қилмоқчиман. Келинглр, ҳар қандай ҳақ-хуқуқларимизни босиқлик, андишаю иймон, шарм-ҳаё билан ҳал этайлик. Ортиқча ҳиссийётга берилиб, шовқин-сурон билан битган ишинг охири ҳам яхши бўлмайди, ўзбекона одатлари мизни оёқ-ости қилмайлик, ҳар бир масалани осийшталлик билан ҳал этишга нима етсин, "яхши гап билан илон индан чқарди", деган гап ҳам борку.

Аъзилар, хулоса қилиб айтмоқчиманки, ҳаётда ҳалол меҳнат, инсонларварлик, адолатни бегароз амалга ошириш, халқига, ватанига фидойи бўлиш, камтаринликин одат қилиш, ҳаётга ҳавас билан қарашни бирор-бир моддий бойлик билан алмаштириш мумкин эмаслигини ҳам англаб етишимиз шарт экан.

Ўйлаймани, ҳамкасбларимиз ва фуқароларимиз юқорида келтирилган ҳаётий гаплардан тўғри хулоса қилардики бундай эзгу ишларимиз самараси учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшади-лар, албатта.


Суд тизими соҳасида ишловчиларни яна бир бор, қасамёдга содиқ қолишга, ҳолисликни таъминлашга, адолат ва ҳақиқат йўлида қатъиятли бўлишга қақираман!

Барчангизга ҳурмат билан,

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Судьялар олий кенгаши раиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган юрист

КОРРУПЦИЯ

ЖАМИЯТНИ ЕМИРУВЧИ ВАБОДИР



Коррупция бу жамиятта пугур етказадиган дахшатли вабодир. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларини емиради, инсон ҳуқуқларининг бузилмишига олиб келади, иқтисодийнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини салбийлаштиради ва инсон ҳаётининг таҳдид остига солувчи уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа салбий ҳодисаларнинг илдириги ортиб, омаллашиб кетишига шариоат яратиб беради. "Ҳаракатлар стратегияси"да Ўзбекистонда "Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш" юзасидан қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

- жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;
 - диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;
 - коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш;
 - аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш.
- Коррупция айна ночор бўлганларга ўлчаб бўлмас даражада катта пугур етказди, чунки ривожланиш учун мўлжалланган маблағларни ўзига тортиди, ҳуқуқматларни аҳолига асосий хизматларни кўрсатиш имконидан маҳрум қилади, тенгсизлик ва адолатсизликнинг илдириги ортишига сабаб бўлади ҳамда хорижий инвестициялар ва ёрдамнинг кириб келишига тўсқинлик қилади. Коррупция суст иқтисодий кўрсаткичларнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, иқтисодий ночорлик қўламни камайтириш ва ривожланишни таъминлаш йўлида энг катта тўғноқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қатор ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Лекин ушбу ислохотлар самарали амалга оширилишида коррупция жиддий тўсқин бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Президентини Конституциямиз қабул қилинганининг 24



ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди. Ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий образ-этиборини оширишга қаратилган.

йиллигида бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "жамият ривожига гав бўлаётган яна бир иллат — бу коррупция балосидир", деб айтган сўзлари бу иллатни нақадар хавфли эканини кўрсатиб турибди.

Шу кунларда Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу фикримизни Президентимиз томонидан 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатида яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ҳам тасдиқлайди. Унда фуқаролар ва тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди. Мазкур Қонун 2017 йил 3 январь куни мамлакатимиз раҳбари томонидан имзоланди. Маълумки, давлат хизматини ташкил этиш ва уни амалга ошириш билан шугулланувчи хизматчилар қатлами, гарчи мамлакатимизда уларнинг ҳуқуқий мақоми ягона қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлмаса-да, давлат хизматчилари ҳисобланади. Қайд этиш лозимки, давлат хизматчиларининг алоҳида ўзига хос фаолияти, яъни давлат ва жамият ҳаётидаги ўта муҳим фаолият — давлат хизматини амалга оширишларини инobatта олиб, қолверасе, уларнинг ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб ҳамда ўз хизмат вазифаларини тўлақонли амалга оширишларига эришиш мақсадида муайян чекланишлар ўрнатилади. Бундан чекланишлар давлат хизматчисининг хизмат фаолиятида ва белгилайдиган тақиб кўринишидаги турли хил омиллар мажмуидан иборатдир. Жумладан, давлат хизматчиларига ўз хизмат ваколати доирасида фуқаролар ва юридик шахслардан турли қўриқинидаги ҳақ олишини, давлат органининг образ-этиборига раҳна солиши мумкин бўлган ҳаракатлар содир этиши, шунингдек, ўз хизмат ҳуқуқидан шахсий манфаатлар учун фойдаланиши тақиқланади.

Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида"ги Фармон имзоланди. Ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий образ-этиборини оширишга қаратилган. Фармон билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиянинг янгиладан таркиби тасдиқланди. Улар жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш, жойларда коррупция қўриқини навоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ўшбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб боради. Фармонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат экани белгиланди:

- суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қўнунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;
 - давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;
 - давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
 - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишини самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;
 - аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;
 - давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;
 - фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши курашиш чораларини тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.
- Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурлари амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувини олди олинишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.
- Коррупция жиноятларини тергов қилишда жиноят ишини юритиш ва масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят ишини сифати тергов қилиши зарур.
- Ислохотлар самараси натижаида сўроқ жараёнини стенография қилиш, видеоқўзғатув, шунинг-

дек, тергов ҳаракатларини аудио-ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилган. Жиноятни тергов қилишнинг эксперт-криминалистика таъминоти яхшиланади. Бунинг учун Ички ишлар вазирлигига ҳатто ташкилотларга эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида пуллик экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатишга рухсат берилди. Кўрсатилган хизматлардан келиб тушган маблағлар моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлимлари ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади. Жисмоний шахслар эксперт тадқиқотларининг буюртмачилари бўла олмайди. 2019 йил 1 июндан бошлаб давлат органлари зиммасига юқланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг якунлари бўйича:

- коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатларининг) рўйхатини шакллантиради;
- идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;
- Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди;
- ҳар йилги Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қўнунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тақдоран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади. 1 сентябрдан бошлаб таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар таълим этилиши лозим. Бундан ташқари, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилади. Техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулк ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши лозим. 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тартиқида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида "Коррупциясиз соҳа" лойиҳасини амалга ошириш йўлга қўйилди. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади. Қўшимча равишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган "Йўл харитаси" лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси норма ижодкорлиги вакиллари, мутахассис ва олимлари томонидан қуйидаги масалалар тўғрисида ўрганилмаган ва қўнунчиликка таъбиқ этилмаган. Улар қаторига: коррупцияга қарши курашуви ягона агентлик яратиш масаласини кириштириш мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашуви ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментидир. "Маъмурий ислохотлар концепцияси тўғрисида"ги Президент Фармонида бир-бирини тақдорловчи институтлар ва ташкилотларни бирлаштириш гоёси илгари сурилган, бироқ юқорида кўрсатиб ўтилганидек коррупцияга қарши курашиш борасида бир неча ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган иккинчи масала — бу коррупцияга қарши курашда инвестор ва тадбиркорлар манфаати юзасидан "жонли ҳимоя" тизимини яратиш, яъни ҳар бир инвестор мамлакатимизга келганидан токи иш фаолиятини бошлаганига қадар мазкур бўлим ўз ходимини қўшиб бериши масаласи ҳам коррупциянинг олдини олиш борасидаги ечилмай қолган масалалар. Бугунги кунда коррупцияга қарши курашуви ташкилотлар томонидан фуқаролар, тадбиркорлар ёки инвесторлар томонидан мурожаат келиб тушмагунга қадар, уларнинг бизнес фаолиятида коррупция жинояти юзага келаяптими ёки йўқлигини билмайди. Бу эса коррупцияга қарши курашуви ташкилотларнинг фаолиятида коррупциянинг олдини олишдан кўра унинг асорати билан кўпроқ шугулланиб келаятганлигидан далolat беради. Агарда "Жонли ҳимоя" тизимини қўнунчиликка киритилиб, унинг тизими яратилса фақат коррупциянинг оқибасти билан эмас, балки келиб чиқishi мумкин бўлган ҳолатига қарши курашиш ва олдини олишга реал ёрдам беради. Яна бир эътибор қаратилмаган масала — бу жаҳон таърибига мос бўлган ва ижобий таъсир кўрсатиб келаётган янгиликдир, яъни Жиноят кодексининг 210 ва 211-моддаларига ўзгартириш киритиш масаласи, унга кўра қанча пора берса ёхуд олса, асосий жазодан ташқари пора миқдори бўйича ўз мулкдан жарима ундириш белгиланиши масаласидир. Албатта савол юзага келади. Нима сабабдан ҳам асосий жазо ҳам жарима қўлланишидан керак? Айнан коррупция жинояти учун асосий жазо ва қўшимча сифатда жарима қўлланишидан мақсад — шахс ва унинг афсоҳлиги учун сабоқ бўлиши, коррупция жинояти субъектининг ушбу жиноятни содир этишдан аввал бироз йўлаб хатти-ҳаракат қилишига ундайди. "Тўхта, агар ҳозир 10.000 доллар пул сўрасаму, лекин қўлга тушсам, ўзим ҳалол топган пулим ҳам кетди", деган фикрни шакллантиради. Хулоса қилиб айтиш жоизки, мансабдор шахсининг ID (QR) қоди яратиш; коррупция ҳолатлар муҳокамаси учун портал ташкил этиш; мансабдор шахсининг декларация тўлдирishi масаласи, ID (QR) қоди яратиш орқали мансабдор шахсининг коррупцияга алоқдорлигини аниқлаш ҳамда уларнинг коррупцияга бўлган муносабатини таҳлилий назорат қилиш ва рейтингини юритиш имкониятини беради. Бундан ташқари, аниқланган рейтинг даражасига кўра, кадрлар лавозимини кўтариш ёки тушириш масаласини ҳал этишга қўмақ беради.

Гулчеҳра ТўЛАГАНОВА,
Тошкент давлат юрidik
университети профессори,
Албина ТАДЖИБАЕВА,
Тошкент давлат юрidik
университети ўқитувчиси,
юрidik фанлар номзоди

ТҶЙ – хурсандчилик, орзу-ҳавас. Ўзбек халқининг азалий қадриятларидан бири. Икки ёшни бир умр бирга яшаши, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлиб, жамиятга фойдаси тегадиган фарзандлар вояга етказишини дуо қилиб, уларга оқ фотиҳа бериладиган маросим. Бугун ёшларимиз учун уюштирилаётган эзгулик ва яхшилик маросими қандай мақсадларда ташкил этиляпти?!



2019 йил 14 сентябрь кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари Парламент аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тадбирларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

лар иштирокида ўтказилиши мумкин, ош бериш маросими бундан мустасно. Миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоулар, ортиқча вақт ва харажат талаб қиладиган расм-русумларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

Оилавий тадбирларнинг ҳам дабдабасиз, камхарж ва ихчам, шунингдек, Низом талабларига мувофиқ ўтказилиши учун, биринчи навбатда, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Эндиликда, тўй маросимларида миллий анъаналаримизга зид бўлган, ортиқча

Дабдаба домидаги девоналик

Яқинда дўстим ижтимоий тармоқлардан биридаги видеотасвирни менга кўрсатди. Унда ҳашамдор ресторанда ўйин кулгу авжида, оппоқ либосдаги келиннинг елкалари очиқ ҳолда куёв-тўра билан “вальс”га туша кетишди. Сокин мусиқа бирдан шўх таронага уланиб кетиб, маст-аласт томошабинларнинг қичқириқлари остида иккаласи ўзгача қилиқлар қила бошлади.

Қаерда қолди қизлик иффати, ибоси, ҳаёси, нафислиги? Қизларимизни кўзимизнинг қорачигидек асраб, ақлда Нодирабегим, фаросатда Зебунисо, ҳаёда Увайсий, сабр ва қаноатда шоира Зулфиядек бўлишини хоҳлаймиз. Бироқ уларни тартибга чақириб, тарбияда талабчанлик етишмаётгани оғриқли нуқталаримиздан эканлигини айтиш жоиз.

Ўзбекона миллийликка зид бундай номтаъқулчиликларга қачондан буён кўз ўрганган?

“Маҳаллада дув-дув гап” фильмини севмайдиган ёки мириқиб томоша қилмайдиганлар учрамаста керак. Унда ўз ролини маромига етказиб ижро этган Ўзбекистон халқ артисти, марҳум санъаткор Марям Ёқубова “... Ҳа, ўнта кўй нима бўлади? Тўй тўй-дек бўлсин, маҳаллада дув-дув гап бўлсин, дейман!”, деган сўзлари фақат маҳаллада эмас, балки шаҳарларда, мамлакатларда дув-дув гап бўлмоқда.

Оёғи ердан узилган “пулдорлар” “Пул ўзимники, уни хоҳлаганча сарфлайман”, дейдиганлар ҳам топилапти.

Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида “Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз”, деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, маърифатпарвар Абдулла Авлоний “Ўзбек халқини тўй балосидан қутқаринг!”, деб айтган. Беҳбудий



бобомиз эса 100 йил олдин “Бизни кечиргувчи иллатлар” мақоласида “Биз на учун Худо ва расул сўзига ва ўзимизни наъфимизга амал қилмаймиз. Биз нима девоналами?”, дея киноя қилганларида тўй ва маъракаларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Яқинда Шайхонтохур туманида яшайдиган танишимиз бетоблиги сабабли уни йўқлаб, ҳол-аҳвол сўраш мақсадида уйига бордик. Кўшнисининг хонадонидан тўй бўлаётган экан. Кўп қаватли уйларга кирувчи йўлак шарлар жамламасидан чиройли безатилган бўлиб, шойи ипак тўртинчи қаватга чўзилган. Бир зумда 15 тача қора рангдаги ҳашамдор автомашиналар қатор тизилиб, йўлни тўсиб қўйди. Биз нақд 35 дақиқа автоуловлар “кортеж”нинг чиқиб кетишини пойладик. Катта йўлда икки қатор бўлган “Тўй карвони” йўловчи автомашиналарга ҳам йўл бермайди. Унисси ҳам майли, ўша “Тўй карвони”нинг товушли сигналларидан ҳалиги танишимизнинг қон босими янада кўтарилса бўладими?

Катта шаҳарларда майли, аммо чекка қишлоқларда ҳам тўйлар дабдабозлик, манманликда улардан қолишмаяпти. Айниқса, у ердаги ичкиликбозликлар одамнинг тинкасини қуритади. “Фалончининг тўйи қандай бўлди, яхши ўтди-ми, файзли бўлди-ми?”. “Зур,

бўлди, ароқни роса берди-да, ўзиям”, деб қўядиган қанча?!

Яна бир воқеа, водийлик бир дўстимизнинг акаси тўй қилиш, халққа ош бериш мақсадида Россия Федерациясига ишга кетган экан. Орадан кўп вақт ўтмай, унинг ўзга юртларда бетоб бўлиб, охири вафот этганлиги маълум бўлган. Ҳамқишлоқларининг айтишича, тўйга катта миқдорда қарзга пул олган ва уни қайтариш учун хорижда пул ишлайман, деб оч-наҳор қийналиб, қайтиш учун зўрга пул топиб, қайтиш арафасида оламдан ўтади. Шу ўринда, “Пешонасида бор экан, тақдири азал”, дейишингиз мумкин. Биргина тўй машмашаси деб, қарзга ботиб, ўзга юртлардан тобути келса, жуда қайғули. Чунки у бир қуёшдан баҳра олган, бир мамлакатда яшаган, тақдир сўқмоқларидан адашган юрдошимиз эканлиги учун ачинамиз.

Бугун юқоридаги салбий ҳолатларни, тўйлардаги исрофгарчилик, дабдабозликда бир-икки кишини айблаш адолатдан эмас, албатта. Бугун жамоатчилик, маҳалладаги фаоллар, имом-хатиблардан тортиб, ушбу йўналишда масъул барча мутасадди ташкилотлар томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллаларда, жамоатчилик иштирокида, телеви-

дение ва барча оммавий ахборот воситаларида очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилапти.

2019 йил 14 сентябрь кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Унда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари Парламент аъзолари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, мазкур тадбирларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн маросими бундан мустасно) соат 6:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши, шунингдек, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача киши қатнашиши, қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида 300 нафаргача киши иштирок этиши белгиланди.

Шунингдек, дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан 3 кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаро-

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда

200 нафаргача,

мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида

250 нафаргача киши қатнашиши мумкин.

Қўшалоқ тўйларда

250 нафаргача,

у билан боғлиқ ош бериш маросимида

300 нафаргача киши иштирок этиши белгиланди.

дабдабозлик, турли тўй-олди тадбирлари, яъни “танишув”, “сеп ёйди”, “қуда таниш”, “қуда чақирди”, “тоғора юбориш”, “чаллари”, “куёв чақирди”, “куёв навқари”, “келин навқари” ва бошқа маросимларга чек қўйиш, шунингдек, “пул сочиш”, Ғарб маданиятига хос бўлган одобсиз шоулар, “севги тарихи” (“Love story”) каби маънавийтимизга тўғри қамбайдиган ҳолатларга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз томонидан тўй ва маросимлардаги дабдабозлик, кимўзарлик, бойлигини кўз-кўз қилиш, қудалар ўртасидаги турли расм-русумларга чек қўйиш орқали ҳар хил салбий ҳолатларнинг олди олиниб, оилавий ажримлар камайишига хизмат қиладиган умиддамыз.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
ИИБ Кадрлар бош бошқармаси
Маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бошқармаси МТБ инспектори, капитан

7 ойда "70" жойга қилинган мурожаат адлия бўлими томонидан ҳал этилди



ФУҚАРО Султонбек Холмуродов амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Чилонзор тумани, Яқжабоб МФЙ, Қатортол кўчаси, 165-уйнинг ноқонуний қурилган қисмига нисбатан ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойни Вазиранд Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган турархоналарга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида" 2018 йил 20 апрелдаги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори талаблари асосида ўз номига расмийлаштиришни сўраб, 2018 йил 26 октябрда туман Давлат хизматлари марказига ёзган аризаси асосида барча мутасадди ташкилотлардан ижобий ҳулосалар олинган бўлса-да, Чилонзор туман ҳокимининг ноқонуний қурилмага эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги қарори чиқариб берилмаганидан норози бўлиб, Чилонзор туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Фуқаро С.Холмуродовнинг аризаси асосида 461-сонли қарорда назарда тутилган барча комиссия аъзолари келиб ўрганиш ўтказган ва ижобий ҳулоса берган. Туман архитектору ҳам, комиссия раиси ҳам далолатномани имзолаган.

Белгиланган давлат божи ҳам тўланган. Ҳатто, туман давлат хизматлари он-лайн сайтида ҳам мазкур масала ижобий ҳал бўлганлиги маълум қилинган.

Бироқ ноқонуний қурилмага нисбатан туман ҳокимининг эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги тегишли қарори чиқарилмаган.

Фуқаро С.Холмуродов адлия бўлимига мурожаат қилгунча турли давлат ташкилотларига 7 ой мобайнида мурожаат қилса-да, ижобий натижага эришмаган.

Туман ҳокимлиги томонидан йўл қўйилмаётган суствашликни қонуний бартараф этиш мақсадида айнан фуқаро С.Холмуродов мурожаати юзасидан туман ҳокимлигига нисбатан жорий йил 15 апрелда "Қонун ҳужжатларини бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида" Оғоҳнома ва 30 апрелда "Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда қалғусида йўл қўймаслик, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш тўғрисида" тақдирнома киритилди.

Бироқ туман ҳокимлиги томонидан дастлаб ижобий ҳулоса тақдим этилган бўлса-да, 2019 йил 1 майга қадар давом этган "акция" муддати туагач, фуқаро С.Холмуродов мурожаатига юқорида кўрсатилган ноқонуний қурилган уй-жой кўчанинг магистрал йўли ёнида жойлашгани ва Ер кодекси 26-моддасига мувофиқ 1 оилга 6 сотихгача ер майдонини ажратилиши туфайли" рад этилган.

Фуқароларнинг 461-сонли қарор талаблари асосида қилган мурожаатлари ушбу асосга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди ва мансабдор шахсларнинг бу каби ҳаракатлари қонунчилик нормаларининг беэвосита бузилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 27-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқна тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни обodonлаштириш учун мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар

бир оилга 0,06 гектаргача ер участкалари берилди.

Шу боис, 461-сонли қарор талаблари га мос келадиган 0,06 гектаргача бўлган ноқонуний қурилган иморат жойлашган ҳудудга нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилишига қонуний тақим мавжуд эмас.

Бу фақат битта оила учун 461-сонли қарор талаблари асосида қонуний эгалик берилиши мумкин бўлган ҳудуд ҳисобланади. Агар эгалик талаб қилинаётган ҳудуд кўрсатилган нормадан катта бўлса, битта оила учун унинг 0,06 гектаргача бўлган, агар бир хонадонда икки ёки ундан кўп оилалар истиқомат қилса шунга мос ҳудудга нисбатан эгалик ҳуқуқи расмийлаштирилиши лозим.

Демак, туман ҳокимлиги масъуллари томонидан фуқаро аризасини рад қилиш асослари қонунчилик талабларига мос эмас.


Туман адлия бўлими ходимлари томонидан фуқаро С.Холмуродов аризаси асосида мурожаатда кўрсатилган ваҳал жойига қайта ўрганилганда 461-сон қарор туман ҳокимияти томонидан рад этилиши аниқ ҳуқуқий асосга эга эмаслиги аниқланди.

Ҳолат юзасидан адлия бўлими томонидан фуқаро С.Холмуродов манфаатида Чилонзор туман Маъмурий судига "Мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати (харакатсизлигини) гайриқонуний, деб топиш ҳақида" шикоят аризаси киритилди.

Чилонзор туман маъмурий судида иш ҳажми кўпайганлиги сабабли мазкур иш Бектемир туман маъмурий судида кўриб чиқилди.

Суднинг ҳал қилув қарори билан Чилонзор туман адлия бўлимининг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди ва фуқаро С.Холмуродовнинг бузилган ҳуқуқлари суд орқали тиклаб берилди.

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" ЁРДАМ БЕРДИ



МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида инсон манфаати ва унинг орзу-интилишларини рўйга чиқариш ётади. Бундай саъй-ҳаракатларга вилоятларда ташкил қилинган туман адлия бўлиmlари ўз ҳиссаларини қўшиб, ҳозирда қўллаб-қувватловчи миннатдорлигига сазовор бўлиб келмоқда. Шу мақсадда, Хоразм вилоят адлия бошқармаси Янгибозор тумани "Ширинлар" маҳалласида яшовчи Р.Жуманиёзовнинг моддий ёрдам олишда амалий ёрдам беришни сўраб, Адлия вазирлигининг "Ишонч телефони" га қилган мурожаатини кўриб чиқди.

Ўрганиш жараёнида, вилоят адлия бошқармаси ва бу соҳага масъул бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқаро Р.Жуманиёзовнинг оилавий аҳоли ўрганилиб, вилоят адлия бошқармасининг тақлифи билан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятда муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари асосида фуқаро Р.Жуманиёзовнинг аризасига мувофиқ, унга Янгибозор тумани, "Ширинлар" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг 2019 йил 18 июлдаги қарори билан бир марталик моддий ёрдам пули тайинланди.

Раван НЕЯЗМЕТОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

ФУҚАРОНИНГ 13 ЙЛЛИК ИШ СТАЖИ ТИКЛАНДИ



АДЛИЯ идоралари фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламдаги ишларни амалга ошираётганлиги билан ҳам диққатга сазовор. Навоий шаҳар адлия бўлими томонидан ташкил этилган сайёр қабулда фуқаро Х.Турсунова ўзининг Навоий шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан инобатга олинмаган иш стажларини тиклаб берилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Адлия бўлими томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида фуқаронинг 13 йиллик ишлаган даврларидаги иш стажлари ҳисобга олинмаганлиги аниқланди. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Навоий шаҳар бўлими сугурта бадаллари тўланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли фуқаронинг инобатга олиниши керак бўлган иш стажларини рад этган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" ги Низомнинг 56-бандига асосан иш стажини тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгилан қўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 29 ноябрда "Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида" ги қарорининг 23-бандига кўра, меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланадиган ва Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган меҳнат фаолияти даврлари иш стажига қўшилмаган ҳолларда суд меҳнат фаолияти даврини белгилашга ҳақли эмас, чунки бундай факт меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар билан тасдиқланиши белгиланган.

Навоий шаҳар адлия бўлими томонидан фуқаро Х.Турсуновнинг меҳнат дафтарчасида ёзилган иш стажини инобатга олиш учун унинг манфаатида киритилган даъво аризага асосан, фуқаронинг ҳисобланмаган 13 йиллик иш стажлари тикланиб, умумий иш стажига қўшиб берилиши таъминланди.

Азамат ХОЛМУРОДОВ,
Навоий шаҳар адлия бўлими бошлиғи

ҚОНУНИЙ НИКОХ тузилишига эришилди

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 63-моддасида: "Оила жамиятнинг асосий бўлигини ҳақда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади", деб қайд этилган.

Термиз туман "Нурафшон" маҳалласида яшовчи Муҳлис Зарипова Зафарқон Мағлаев билан шаръий никоҳ асосида яшаб келаётганлиги ва ҳомиладор эканлиги, бироқ 17 ёшга тўлмаганлиги сабабли туман ФХДБ бўлимидан қонуний никоҳдан ўта

олмаётганлиги сабабли ушбу масалани амалий ёрдам беришни сўраб туман адлия бўлими бошлигининг шахсий қабулида мурожаат этди. Термиз туман адлия бўлими томонидан Термиз туман ҳокимлигига Оила кодексининг 15-моддасида, "никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланди. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомаласига лояқати деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳта

киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилмаган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин", деб қайд этилганлиги сабабли фуқаро М.Зарипованинг никоҳ ёшини бир ёшга қисқартириш лозимлиги юзасидан кўрсатма берилди. Термиз туман адлия бўлимининг араслашуви билан қоридидаги кодекс талабларидан келиб чиқиб фуқаро М.Зарипованинг ҳомиладорлигини инобатга олган ҳолда никоҳ ёшини 1 йилга камайтириш юзасидан Термиз туман ҳокимининг 2019 йил 10 майдаги 3173-сонли қарори қабул қилинишига эришилди. Фуқаролар З.Мағлаев ва М.Зариповлар туман ФХДБ бўлимига қонуний никоҳдан ўтиш юзасидан ариза билан мурожаат

этишди.

Ушбу фуқароларнинг никоҳи Оила кодексининг 13-моддаси талабларидан, яъни узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати долопатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафинчи касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкинлигиндан келиб чиқиб никоҳ муддати қисқартирилиб қайд этиб берилди.

Бу билан жамиятимизда тўлақонли ва бахтли яна бир оиланинг барпо этилишига эришилди.

Музаффар ТУЛҲАЕВ,
Термиз туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ЭЪЛОНЛАР

Шайхонзор туман Давлат хизматлари маркази томондан 23.01.2019 йилда 67087-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Шайхонзор тумани, Генерал Умаров йўли, 9, 32, манзилида жойлашган "UZ SAXU NUR" хусусий корхонаси тасвирасининг 2019 йил 4 октябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида корхона почта манзили орқали қабул қилинади.

ИФН: 305 065 092.

Шайхонзор туман Давлат хизматлари маркази томондан 05.04.2019 йилда 59722-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Шайхонзор тумани, Лабока маъвоаси, 32-ўй манзилида жойлашган "ARCHITECT AND DESIGNER" хусусий корхонаси тасвирасининг 2019 йил 4 октябрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида корхона почта манзили орқали қабул қилинади.

ИФН: 305 462 545.

Янгибод туман Давлат хизматлари маркази томондан 2019 йил 28 мартда 704131-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган Янгибод тумани, Қамаша 1-муколави кўчаси, 3-5 бино манзилида жойлашган "ASIAN MEDICAL CENTER" масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси (СТПР: 306 274 050) тугатилди.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 2019 йил 16 апрелдаги 1-сонли баённомаси.

Креаторлар ва дебиторлар давлопар 2 ой муддатда (90) 996-00-86 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Ташкент шаҳар, Юнусов туман Давлат хизматлари марказида 02.05.2018 йилда

605593 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Юнусов тумани, Бодомор йўли кўчаси, 1-ўй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "STROYMASH" масъулияти чекланган жамияти (СТПР 305 525 544) тасвирасининг 2019 йил 25 сентябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 477-07-09.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 20.04.2018 йилда 006238-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 5-ўй, 1-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "LAYRAN GALLERY" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 303 908 654) тасвирасининг 2019 йил 3 октябрдаги 01/2019-сонли йиғилиш қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 477-07-70.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 05.09.2018 йилда 632901 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Қўйлик 1-5/1-манзилида давлат рўйхатидан ўтган "EXPERTISE" хусусий корхонаси (СТПР: 305 726 839) тасвирасининг 2019 йил 20 сентябрдаги 01/19-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 347-88-05.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 11.03.2019 йилда 697479 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Қўйлик 4-44-20 ман-

зилида давлат рўйхатидан ўтган "NIZOMXON COMPANY TRADE" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 222 321) тасвирасининг 2019 йил 4 октябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 831-23-68.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 13.07.2018 йилда 622421 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 46-ўй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "PROTRANS" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 651 365) тасвирасининг 2019 йил 3 октябрдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 488-14-10.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 12.03.2019 йилда 698380 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Эриб кўчаси, 54-ўй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "QU HOUSE BIZNES" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 229 967) тасвирасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (99) 843-39-46.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 26.03.2019 йилда 703095 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истибоб кўчаси, 34-ўй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "UCHKUDUK KRAN BIZNES" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 266 756) та-

свирасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 774-07-09.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2019 йилда 678750 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Истибоб кўчаси, 34-ўй манзилида давлат рўйхатидан ўтган "ARMATURKA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 076 748) тасвирасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 774-07-09.


Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 15.05.2019 йилда 723293 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 86-ўй, 3-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган "ARMATURKA" масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 423 426) тасвирасининг 2019 йил 25 сентябрдаги 4-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (93) 388-94-05.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қўнунига мувофиқ Бухоро шаҳридаги "Takson Yuridik Servis" адвокатлик бюроси адвокати Айвигуллов Исроил, Ўзбекистоннинг адвокатлик фаолияти билан шугулланган ҳудудни берилган лицензиянинг амал қилиши давомида адвокатлик мақоми Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 23 сентябрдаги буйруғига асосан тикланди.

КЕЙИНГИ вақтларда Facebook саҳифалари ва интернетдаги турли сайт ёки каналларни ҳар гал очиб ўқиётганда, кўзимизга юзимизни қизартирадиган бирор ноҳўя нарсаси ёки юракка оғирлик қиладиган мудҳис хабарлар тушиб қолмасин, деб хавотирга тушадиган бўлиб қолдик. Чунки кейинги вақтда айнан ўзимизнинг сайт ва каналларда кишини даҳшатга соладиган хабарларни кўп учратаяпмиз.



Ҳали она сўти оғзидан кетмаган қизнинг она бўлиши, ўз боласини ахлат қутисига ташлаб кетган мактаб ўқувчиси, ҳокимнинг ўз гумаштаси билан тўшақдаги "экслюзив" ҳолати ҳақидаги хабару лавҳаларнинг турли тармоқларга жойлаштирилиши ҳам миллатга иснод келтирувчи иллатлардир. Миллий ғурури бор одам бунга йўл қўймаслиги керак. Ақлу фаросати жойида бўлган одам **ИНТЕРНЕТ БОЗОРИДА ЎЗИНИ СОТМАЙДИ.**

Интернет бозорида ўзимизни сотмайлик!

Мана, масалан, яқинда бир сайтга қўйилган "Қашқадарёда она ва унинг 2 ёшли фарзанди ваҳшийларча ўлдириб кетилди" деган хабарни олайлик. Бу фожиани ижтимоий тармоқларга жойлаштиришдан мақсад борми? Шу қадар ваҳшийлигимизни кимга дoston қилмоқчимиз? Ён-атрофимиздагилар ўзбеклар қонхўр, дейишларини хоҳлаётимизми? Мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги имижини кўтариш, обрўсини ошириш учун тинимсиз қилинаётган ҳаракатларга "қўшилганимиз" шуми?

Ёки Самарқандда бутун бир оилани ўз уйда қора қонга беллаган "ўзимизнинг" босқинчилар тўғрисидаги фожиали хабарлар, Фарғонадаги тўйхонада пичоқбозлик содир бўлганлиги ҳақидаги хабар, ўғай қизига тажовуз қилган имонсиз ота, ўз келинига ахлоқсизлик қилган юзсиз қайнота ҳақидаги хабарларни интернетга жойлаштираётганда, бу хабарлар ортида ўзбек деган миллатнинг шаъни, ор-номуси турганлигини ўйлаб кўриш наҳотки шунчалар қийин бўлса? Бу хабарлари билан ўзича ҳаммани лол қолдирмоқчи бўлганлар миллатни бутун дунёга шарманда қилаётганлигини наҳотки тушунамса? Тўғри, бундай ваҳшийликлар, қотилликларни содир этган айбдорлар қонун олдида жавоб бериши, жазопаниши муқаррар! Лекин ижтимоий тармоқлар орқали уларни жазолаб бўлмайди. Кимдир уларга лаянатлар ўқиши, қоралаш, жуда узоқ борса чангитиб сўкиши, ҳақорат қилиши мумкин. Аммо бу билан масалани, бу мудҳис фожиани, бу хатоларни тузатолмаймиз. Булар ҳам етмаганидек, гоҳо ўзга юртлардаги ҳамкасбларимизнинг "Ўзбекистонда шундай воқеа бўлганини интернетда ўқиди, шу ростми?", деган саволига нима деб жавоб беришни билмаймиз.

Бироз эскирган факт бўлса ҳам, такрорлашга тўғри келади. Каттакўрғонда ўзбек аёлини ечинтириб, видео тасвирга олиб, уни интернет тармоғига жойлаштирган ўзбекни ҳам она туққанига лаянатлар ўқигини келади. Ўша кезларда ички ишлар ходимини оқлашга уринишлар, "аёл ўзи ўғирлик қилган жиноятчи эди", деган таъналар тўлиб кетган эди. Майли, у жиноят содир этгандир, жиноятчидир. Аммо жиноятчини, қолаверса, онани, аёлни шундай таҳқирлаш, шаънини топташ қайси қонунларимизда бор?! Дунё наҳотки бесўроқ бўлса? Наҳотки, инсоний қиёфамизни шу қадар йўқотиб қўйган бўлсак? Тўғри, ҳозир бу воқеа бироз унутилди. Аммо Ўзбекистон тарихида



Ижтимоий тармоқларда кейинги ойлarda тарқалган энг хунук манзаралар — эл ишонган, халқ сунган ҳокимларнинг оғзидан чиққан гапларга илон пўст ташлайдиган даражада даҳшатга тушади киши. Маданият кўчасидан узоқ ва маънавий қашшоқ бундай ҳокимларни шундан кейин ким ҳам ҳурмат қилади? Ёки ижтимоий тармоқларда икки букилиб, халқдан кечирим сўраб, изидан халққа янги нағмаларини кўрсатаётган сохта узрхўжалар — ҳокимларга нима, деб баҳо бериш мумкин?

бу катта доғ бўлиб қолди. Душманларимиз бундан хоҳлаган вақтда қурол сифатида фойдаланиб, Шарқона қадриятлар руҳида "тарбияланган" миллатимизга "ўқ" отиши мумкин.

Яқиндагина Навбахор туман халқ таълими бўлими мудирини ўз турмуш ўртоғи ўз уйда пичоқлаб ўлдиргани тўғрисида расмий, норасмий сайтлар хуморидан чиққунча "дoston қилишди". Марҳумга отилган онлайн тошлар ҳақидаку гапирмайлик, аммо унинг фожиасига гувоҳ бўлган вояга етмаган қизига баттар маънавий жароҳат етказиб, видеога тушириб, тармоқларга қўйилишидан мақсад нима, деган саволга эса ҳеч ким жавоб тополмайди. Бундай мудҳис хабарларни афсуски кунда, кунора интернет тармоқларида учратиш мумкин.

Ёки бир-бирини ҳақоратлашлар, ўқувчиларни дўппослашлар тасмага туширилган баъзи лавҳаларни чет эл сайтларидан кўриб, аҳвол аслида бундай эмаслигидан қачонгача ёқа ушлаб қолаверамиз? Бу "хабарлар" кимга, нимага хизмат қилади ўзи? Ватангадо бўлиб ўзга юртларда юрган, пашшадан фил ясаётган,

ичи қора, аламзада "юртдошлар"имизгами? Ёнимизда яшаётган ичимиздаги душманларимизгами?

Ижтимоий тармоқларда кейинги ойлarda тарқалган энг хунук манзаралар — эл ишонган, халқ сунган ҳокимларнинг оғзидан чиққан гапларга илон пўст ташлайдиган даражада даҳшатга тушади киши. Маданият кўчасидан узоқ ва маънавий қашшоқ бундай ҳокимларни шундан кейин ким ҳам ҳурмат қилади? Ёки ижтимоий тармоқларда икки букилиб, халқдан кечирим сўраб, изидан халққа янги нағмаларини кўрсатаётган сохта узрхўжалар — ҳокимларга нима, деб баҳо бериш мумкин?

Мабодо, интернетда аёлларнинг даҳанаки, аммо шармандали жангини эшитиб қолсангиз, лабингизга учуқ чиқishi аниқ ва билинги, бунга бош қўшган томошабинлар, миллатни шармандаю шармсир қилганлар бизга дўст эмас!

Энг ачинарлиси, ёши бир жойга бориб қолган баъзи эркак ва аёллар ҳам одоб ва ахлоқ чегараларини билмасдан оғзига келган сўзни қайтармасдан тармоқларга видео тасвир ва овозли кўринишда жойлаштириши миллатимизга иснод-ку.

Хуллас, қайси бирини айтилайки? Ҳали она сўти оғзидан кетмаган қизнинг она бўлиши, ўз боласини ахлат қутисига ташлаб кетган мактаб ўқувчиси, ҳокимнинг ўз гумаштаси билан тўшақдаги "экслюзив" ҳолати ҳақидаги хабару лавҳаларнинг турли тармоқларга жойлаштирилиши ҳам миллатга иснод келтирувчи иллатлардир. Миллий ғурури бор одам бунга йўл қўймаслиги керак. Ақлу фаросати жойида бўлган одам **ИНТЕРНЕТ БОЗОРИДА ЎЗИНИ СОТМАЙДИ.**

Наҳотки, миллат шаъни ва юрт обрўси йўқотиб бўлишига индамай қараб турса, миллат ори топталишига йўл қўйсак? Тўғри, ахборот асрида яшайпмиз. Ахборот эркинлиги, ошқоралик, деган таомилларга "амал қилаяпмиз". Аммо ҳамма нарсанинг ҳам чеки-чегараси бор. Интернет тармоқларидаги бундай "носозликларни", номаъқулчиликларни, керак бўлса, мутасадди органларнинг бу ҳо-

латларга лоқайдлигини тартибга солиш фурсати етмадимми? Ақс ҳолда инсонийлик қиёфасига доғ туширадиган хунук хатолар миллатимиз юзини қўшни давлатлар олдида шувут қилиши, мисқоллаб йиғилган обрў ва эътиборни қўкка совириши турган гап. Энг ачинарлиси, булар авлодлар идрокига муҳрланиб қолиши аниқ. Бу доғни ювиш учун эса қанча-қанча йиллар керак бўлади. Биз бугун бунга томошабин бўлиб турсак, эртага бундан ҳам баттар ҳолатларга дуч келишимиз аниқ.

Энг ачинарлиси, одамлар ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарф учун масъулиятни бўйнига олган, гийбат ва маломатдан йироқ бўлган газеталарга эмас, ана шу олди-қочди, гоҳида ҳаётингизни остин-устун қилиб юборадиган ижтимоий тармоқлардаги дийдиёларга кўпроқ ишонадиган ва эргашадиган бўлди. Бу эса интернетнинг онлайн "тош"лари бир кун бошимизни ёриши мумкинлигидан далолат бериб турибди.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Хунук воқеалар, мудҳис фожиаларни такрор-такрор беришда пойга ўйнаётган сайтлар орасида мамлакатимиздаги нуфузли расмий сайтлар ҳам борлигидан афсусдамиз. Одоб-ахлоқ, меҳр ва оқибат таназзулига хизмат қиладиган, на этикани, на маданиятни биладиган бундай интернет тармоқларидаги кўринишларни жилволашга масъул бўлайлик! Керак бўлса, бу борада қонунчиликимизни қайта кўриб чиқиш фурсати етди. Чунки ахборот асридан анча "илгарилаб" кетганга ўхшаймиз. Балки интернетда чегара ва тақиқ йўқдир, деб ўйлашар, аммо шаҳар бедарвоза эмаслиги аниқ! Юртимиз зиёлилари, маънавият ва маърифат пешволари ушбу оғрикли масала ҳақида жиддий бош қотиришларини жуда-жуда хоҳлардик. Сиз нима дейсиз?

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган

Бош
муҳаррир

Қўчқор
НОРҚОБИЛ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



www.minjuz.uz

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Аяб Жўрабеович
Рабиёв Шерзод Миржалолович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиева Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган
қўлзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Набатчи
Мадҳия Авазова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иходий уйда чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда Ўза
суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 9880
Бюроғи — V-3811
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 233-44-23,
(0371) 233-44-08

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳо сиз келишигиз нарҳда

1 2 3 4 5

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ:

Хаёт сифати ва инвестиция иқлимни яхшилайти

2017 йил 1 апрелдан бошлаб рўйхатга олиш тартиб-таомилларини 30 дақиқача қисқартириш имконини берувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг автоматлаштирилган тизими ишга тушганлиги "Doing Business 2018" глобал рейтингдаги "Бизнесни рўйхатдан ўтказиш" кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг мавқеини 24-ўриндан 11-ўринга яхшилашга хизмат қилди.

2017 йил 12 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Адлия вазирлиги ҳузурдаги Давлат хизматлари Агентлиги ташкил этилди. Агентлининг туман (шаҳар)ларда Тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатувчи давлат хизматлари марказлари ташкил топди.

Бугунги кунда республикада марказлар томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга "Тезкор, қўлай, шаффоф хизматлар" тамойили асосида 120 дан ортиқ турли давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Хусусан, ўтган 2 йил мобайнида Самарқанд вилоятининг туман

(шаҳар) давлат хизматлари марказлари томонидан аҳолига 967 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. (2018 йилда бу кўрсаткич 117 тани ташкил этган, қўриб турганингиздек, бу йил ундан деярли 9 баробар зиёд хизматлар кўрсатилган).

Аксарият, аҳоли муҳандислик-коммуникация тармоқларига ула-нишга рўхсатнома, болаларни мактабга таълим муассасаларига жойлаштиришга йўлланмалар олиш, фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш, солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) олиш, судланганлик (судланмаганлик) тўғрисидаги маълумотларни олиш, электрон рақамли имзо олиш ва бошқа масалалар юзасидан марказларга мурожаат қилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарори ижроси юзасидан жами 90 мингга яқин ариза қабул қилинган бўлиб, шундан 42 мингга яқин фуқаронинг ўзбошимчилик билан қўрилган тураржой биноларига мулк ҳуқуқини эътироф этиш юзасидан ҳоким қарорлари қабул қилинди.

Президентимизнинг 2018 йил 11 апрелдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3662-сонли Қарори билан Самарқанд вилояти, Пастдаргом туман Давлат хизматлари марказида таъриба тарихида бошқа марказ-

ларга нисбатан қўшимча равишда яна 31 та талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. (Фуқароларга миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини бериш, Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувиغا ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш, туғилганлик ва ўлим ҳақидаги гувоҳномаларни тақдим қилиш, электр энергияси, табиий газ, сувни ҳисобга олиш (ҳисоблагич ускунасини ўрнатишга аризалар бериш қабили).

Марказлар томонидан 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида 23031 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди. Шундан 7043 таси юридик шахс бўлиб, 15988 таси яқка тартибдаги тадбиркор ва 57 таси хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиди.

Марказ ходимлари томонидан дам олиш кунлари ҳам аҳолига қўлайлиги ва шароит яратиш мақсадида вилоятнинг олис ҳудудларида жойлашган маҳаллаларда сайёр давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, жойларда уйма-уй юриб, аҳолига марказлар орқали хизматлардан фойдаланишнинг афзаллиги ва қўлайлиги тўғрисида ҳуқуқий тушунтиришлар берилаяпти.

Давлат хизматлари кўрсатишда нафақат газета, радио ва телевидение, балки электрон оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш ҳам тарғиб-ботинг асосий қуролига айланган.

Ҳаммамизга маълум facebook ижтимоий тармоғидаги бошқарманинг шахсий саҳифаси ҳам кундан-кунга оммалашиб, унга аъзо обуначилар сони ортиб бормоқда.

Қолаверса, аҳолига янада қўлайлиқлар яратиш ва ортиқча сарсонгарчиликнинг олдини олиш мақсадида, Самарқанд вилоятининг Нуробод туман марказидан 130 километр узоқликдаги Саҳоба қишлоғида ва Қўшработ туман марказидан 120 километр узоқликда жойлашган Жомбулоқ МФЙда давлат хизматлари марказларининг филиаллари ташкил этилди. Марказ филиалида ходимлар томонидан ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари соат 09:00 дан 16:00 га қадар фуқаролар турли масалалар юзасидан қабул қилинмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар маъмурият филиаллари томонидан жами 1107 та давлат хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, 2018 йил 1 июндан бошлаб, ФХДЭнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш фаолиятини методик таъминлаш, "ФХДЭнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимини юритиш, ФХДЭнинг ҳудудий архивларига раҳбарлик бўйича вазифалар Адлия вазирлиги ҳузурдаги Давлат хизматлари Агентлиги зиммасига юклатилган ҳолда, ФХДЭ органлари туман (шаҳар) ҳокимиятлари тасарруфига ўтказилди.

Мазкур тизим тажрибаси Россия, Озарбайжон, Канада, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Грузия ва бошқа давлатларда ҳам жорий қилинган.

Бунда, фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига йўл қўймаслик, уларнинг вақтини тежаш, ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни олдини олиш мақсадида мурожаатлар марказлашган ҳолда бир идорада ҳал этилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига 215⁶-моддаси билан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузиш ва тўғридан-тўғри маъмурий чора қўллаш ваколати берилди. Шунга қўра, 2018 йил ҳамда 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида бошқарма томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли органлар ва бошқа ташкилотлар томонидан 30 мингдан ортиқ қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 400 га яқин раҳбар ва масъул ходимлар маъмурий жавобгарликка, киритилган 124 та тақдирномалар натижасида 103 нафар масъул ходимлар интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 17 нафари вазифасидан озод қилиниб, 224 та оғоҳнома киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда давлат хизматлари кўрсатиш тизими изчиллик билан такомиллаштирилмоқда ва модернизация қилинмоқда, бу эса, аввало, ҳалқимизнинг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишланган муҳитини яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш имконини беради.

Фахрутдин Қўлдошев,
Давлат хизматлари Агентлиги,
Самарқанд вилоят бошқармаси
бошлиги ўринбосари

Давомий. Бошланиши 1-бетда



"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ"

Мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти — 747 таси нотариат соҳасида, 615 таси уй-жой бузилиши, 229 таси нафақа масалалари, 189 таси болалар нафақаси, 136 таси суд, 118 таси меҳнат низолари, 106 таси ички ишлар органлари, 98 таси иш ҳақи, 92 таси адвокатлар фаолияти, 58 таси ер майdonи ажратиш ҳамда 57 таси прокуратура органларига оид муаммолари масалаларни ташкил қилади.

ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Э-э-э! Бунча мақтамасангиз, тўхтанг, реал ҳаётда "Ишонч телефони"га қўнғирок қилиб, уланолмай хунуби ошган одамлар ҳам бор ичимизда, деяпсизми? Тўғри, бу тизимда ҳам камчиликлар кузатилади. Алоқа операторларининг камлиги, телефон линияси мудом банд бўлиб туриши натижасида неча мартабала ўша ёқимсиз овоз тут-тут, деган қисқа гудокни эшитишга мажбур бўлганингиз сизда асосли эътироз пайдо қилди. Адлия вазирлиги мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида шу йил 4 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг "Call center" фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғини қабул қилди.

"Call center"нинг асосий вазифалари этиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш, мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши белгиланган.

Бу дегани эндиликда бемалол "Ишонч телефони"га ишонч билдиришингиз мумкин, телефон тармоғига техник боғланишдаги камчиликлар бартараф этилди.

Мурожаат қилиш тартиби:

"Call center"га тушаётган мурожаатлар дунбана кундан жума кунигача (жума кунни ҳам) (Байрам кунларидан ташқари) соат 09:00 дан 18:00 гача узлуксиз қабул қилиниши таъминланди.

Бу муҳим!

Бундан ташқари, "Call center"га келиб тушаётган мурожаатлар ўз вақтида қабул қилиш, фуқароларнинг узоқ навбат қутиб қолишини олдини олиш мақсадида, операторлар сони 10 нафарга оширилди ва "Call center"га келиб тушаётган қақирувларнинг давомийлиги 10 дақиқадан ошмаслиги белгиланди.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

БУТУН дунёда
1 октябрь — Халқаро
Кексалар куни сифатида
нишонланади.



БУНИ ҚАЙТАР ДУНЁ ДЕЙДИЛАР

Бугун биз кексаларни кадрласак, эртанги авлод бизларни кадрлайди

2019 йил 27 сентябрда "Кекса авлод вакиллариининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб ҳар йили октябр ойининг биринчи ҳафтаси "Кексалар ҳафталиги" этиб белгиланди.

Адлия вазирлигининг, шу жумладан, Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг иш режасида қариялар уйлари, пансионатлар ва санаторийларда кекса ёшдагилар, қаровсиз қолган қариялар учун сайёр ҳуқуқий маслаҳат тадбирлари ўтказиш белгиланган бўлиб, кексалар ҳафталигига бағишланган тадбирлар барча ҳудудларда ўтказилмоқда.

Хусусан, Боёвут туман адлия бўлими, туман молия бўлими, пенсия бўлими ва маҳалла фаоллари билан биргаликда тумандаги Маданият маҳалласида яшовчи ёлғиз қария Абдужалол ота Юлдашевнинг хонадониди бўлди.

— Ота билан суҳбат асноси-

да газ таъминотида муаммоси борлиги, уйи таъмирталаблиги аниқланди, шу билан биргаликда, отахон даволаниш учун ордер сўраб мурожаат қилди. Биз Абдужалол отанинг муаммоларини қисқа муддатларда тегишли ташкилотлар билан бартараф қиламиз, — дейди туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси Абдуманнон Исмоилов.

Худди шундай тадбир Ширин шаҳрида ҳам ўтказилди. Ширин шаҳар адлия бўлими томонидан шаҳарда истиқомат қилувчи ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олинди. Улар билан мамлакатимизда кексаларга яратилган имтиёзлар ҳақида суҳбатлашилди.

— Биз кексайиб қолдик, ижтимоий хизмат ходимига эҳтиёмимиз бор, — дейди Робия опа Минғалиева.

Боёвут шаҳар адлия бўлими бошлиғи Ш.Нодиров Робия опани қўйнаб келаётган муаммони тегишли давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал қилишни таъкидлади.

Мазкур тадбирлар вилоятимиз туман-шаҳарларида давом этмоқда.

Хусусан, Гулистон шаҳар адлия бўлими ҳамда Гулистон шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси масъул ходимлари томонидан шаҳардаги Уруш ва меҳнат фахрийлари шифохонасида даволанаётган кексалар учун сайёр ҳуқуқий маслаҳат тадбири ташкил қилинди.

Шунингдек, Гулистон, Сирдарё туман ва Янгиер шаҳар адлия бўлимлари томонидан ҳам кексаларни эъозлаш борасида уларнинг хонадонига ташриф буюрган ҳолда муаммоларини ўрганиб, уларга ижобий ечим топиш бўйича эзу ишлар амалга оширилди.

Барча тадбирларда кексалар билан самимий суҳбат қурилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар, уларнинг замирида кекса авлодга яратилган имтиёзлар, пенсия таъминоти, ижтимоий хизматлар ҳақида ҳуқуқий тушунтиришлар ва маслаҳатлар берилди.

Зебохон ҲАЙДАРОВА,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси масъул ходими